

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

ТУРАТОВА ХУРШИДАНИНГ

5220100 – ўзбек филологияси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун

**“ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАРАШЛАР”**

(Н.Эшонқул, С.Ўнар, Э.Аъзам ижоди мисолида)

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Илмий раҳбар:
фил. фан. номз. О.Файзуллаева***

Гулистон-2015

Режа:

Кириш

I боб. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида маънавий-ахлоқий масалалар талқини

- 1.1. Н.Эшонқул қиссаларида инсон маънавияти масаласи
- 1.2. Собир Ўнарнинг «Бибисора» қиссасида ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши

II боб. Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадииятнинг ўрни

- 1.1. Қиссаларда образлилик
- 1.2. Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик даври насри тобора ривожланиб, шаклланиб, ўзининг муҳим шакли ва мазмунига эга бўлиб бормоқда. Бунга бу даврда яратилган кўп сонли қиссалар ва улар орасида савия жиҳатидан бақувват қиссалар ҳам мавжудлиги асос сифатида келтириш мумкин. Қиссалар миллий адабиётимиз шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, уни ҳам бадий адабиёт намунаси ёки миллий адабиёт қадрият сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ жиҳатлардандир. Мафкуравий яккамаҳовликдан қутилган ўзбек адабиётида эркин ижод қилиш, эркин фикр асосида мавжуд жараёнга муносабат билдириш кучайиб бормоқда. Шунингдек, ўтаётган даврда мафкуравий етукликка эришиш учун ҳам ёшлар онгида миллат қаҳрамонларига эътироф ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги кун бадий адабиётининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Қиссанависликдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ўрганиш, уларнинг савиясини белгилаш, китобхонларни яратилаётган бадий мукамал асарлардан хабардор қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Шундай қиссанавислардан Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Ўнар, Х.Маматқуловлар бўлиб, уларни бугунги тезкор ахборот асрида мавжудлигини билдириш ва бадииятини ўрганиш ҳам долзарб илмий муаммо ҳисобланади. Бу масала бизнинг битирув малакавий ишимиз мавзуси долзарблигини асослайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу БМИнинг асосий мақсади ҳозирги ўзбек қиссачилиги тараққиётига қисман назар ташлаш ва унинг ўзига хос жиҳатлари ва поэтикасини Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Ўнар, Х.Маматқуловлар қисслари мисолида кўриб чиқиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган:

- Ҳозирги ўзбек қиссачилиги намуналарига айрим мисолар келтириш, уларнинг мазмун-моҳиятига назар солиш;

- Н.Эшонкул қиссанавислик маҳоратидаги ўзига хос ўринга эга бўладиган «Қора китоб» қиссаси бош қаҳрамонини тавсифлаш;
- Собир Ўнар қиссаларида қаҳрамон тавсифида асар бадииятининг ўрнини аниқлаш;
- Ҳ.Маматкулов қиссаларида асар тили, бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиш ва ёзувчи ғоявий мақсадини тадқиқ этиш;
- Э.Аъзам қиссаларида бош қаҳрамон характерлари талқинида ёзувчи маҳоратини асословчи бадиий унсурларни аниқлаштириш кабилардан иборат. Бунда композиция ва сюжет унсурларининг қўлланилиши ҳам назарда тутилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида қиссачилик хусусида анчагина ишлар амалга оширилган. Ёзувчилар асарларининг ғоявий – мазмуний жиҳатидан таҳлил этилиши ва қиссалардаги образлар, уларнинг моҳияти танқидчилар томонидан кенг ўрганилган. Бу борада, айниқса, О.Шарафиддинов ¹, У.Норматов ², У.Ўлжабоев ³, Ҳ.Каримов ⁴ ва бошқа ⁵ адабиётшунос, мунаққидларнинг хизматлари беқиёс. Мазкур олимларнинг саъй – ҳаракати билан мустақиллик даврида шаклланган асарларининг ғоявий – бадиий қиммати, эстетик аҳамияти ҳамда ёзувчиларнинг ўзбек насрида тутган ўрни ўзига хос тарзда ўз баҳосини топди. Ижодкорлар шахси кенг китобхонлар оммасига таништирилди.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. - 438 б.

Шарафиддинов О.Истеъдод жилолари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 229 б.

² Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.

³ Ўлжабоев У. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 148 б.

⁴ Каримов Ҳакимжон. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 125-б.

⁵ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1999, - Б.407.

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, бу ишда Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Ўнар, Х.Маматқуловлар қиссалари адабиётшунослар томонидан баҳоланмаган маънавий-ахлоқий масалалар илк бора таҳлилга тортилган. Қиссалардаги бош қаҳрамон талқини ҳам ўзига хос янгилик. БМИда маънавий-ахлоқий муаммолар талқинида ёзувчи маҳорати масаласи ҳам асосий муаммо сифатида қўйилган ва бунда қиссанинг бадиий жиҳатини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

БМИдан эришиладиган натижа асосан ушбу қиссалар бадииятининг тўлақонли равишда ўрганилиш ва маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида ёзувчилар маҳорати масаласини ўрганишга эътибор қаратилганида.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш шу кунгача Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Ўнар, Х.Маматқуловлар қиссаларида ёзувчи маҳоратини ўрганишдаги бошқа ишлардан янги асарлар таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу асарларнинг айримлари ҳали адабиётшуносликда ўзининг баҳосини олмаган. Ушбу тадқиқотдан юқоридаги ёзувчилар қиссанавислик маҳоратининг мукаммал шаклдаги тавсифида, шу мавзудаги илмий тадқиқот ишларида, БМИ ларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ї БОБ. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ МАСАЛАЛАР ТАЉҚИНИ

1.1. Н.Эшонқул қиссаларида инсон маънавияти масаласи

Ҳозирги ўзбек қиссачилиги ҳақида сўзлашдан олдин қисса жанри спецификаси ҳақида маълумот берилиши жоиз. «Повесть – повесть, қисса. Ўрта ҳажмли насрий эпик, ривоявий жанрнинг бир хили бўлиб, у ўзига хос белгиларга эгадир.... Повестда у ёки бу шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этилади. Қиссада қаҳрамон ҳаёти нисбатан тўлиқроқ, повестда маълум бир даври, ҳикояда эса унинг ҳаётидан бир ёки бир нечта эпизод танлаб олинади. Бундай белгиларнинг барчаси ҳам нисбийдир. Демак, повестнинг ўзига хослигини белгиловчи асосий белги унинг ҳажман катта-кичик бўлиши эмас, балки асар асосида ётган ҳаётий қамровнинг қиссага нисбатан торлиги, ҳикояга нисбатан кенглиги, шунга мувофиқ сюжет ва композициянинг ҳам қиссага нисбатан соддалиги, ҳикояга нисбатан мураккаблиги ҳисобланади»¹.

Қисса жанрига берилган таъриф ҳар қачон ҳам повесть атамаси билан ёнма-ён ёки бирга қўлланилиб келинди. Шунинг учун адабиётшуносликда бу терминларни фарқли томонлари бор деганлар ҳам учрайди. Лекин асосий назарий дарсликларда икки атама бир тушунчани англатиши таъкидлангани учун қиссага берилган таърифларни повесть билан ёнма-ён қабул қилдик. Адабиётшунос олим Т.Бобоев ушбу жанрни қуйидагича шарҳлайди:

«Повесть (рус, повествовать – ривоявий ҳикоя қилиш) – бош қаҳрамон тақдири воситасида ҳаётнинг у ёхуд бу қирраларини ўрта эпик шаклда ривоявий усул билан акс эттирувчи асар»². Шунингдек, олим бу жанрга Белинский В.Т., Тимофеев Л.И., Берновский Н., Кожинов В., Нинов А., Гуляев Н.А.ларнинг берган таърифларини солиштиради ва умумлаштиради.

¹ Н.Ҳотамов, Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1979 й., 235-бет.

² Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Т., «Ўқитувчи», 1979, 469-бет.

«Повестнинг предмети – ҳаётнинг сокин ва эпик оқими. Бу ҳақда асарда босиқлик билан, шошмасдан ҳикоя қилиш мумкин. Унда, одатда, ўткир драматик ва фожеавий вазият чеклаб ўтилади»¹. Демак, қиссада изчил ҳикоялаш ва бош қаҳрамон тақдирини тадрижий кўрсатиб бериш олдинги планга чиқарилади.

«Ўзбек мумтоз адабиётида маълум даражада повесть ва ҳикояга ўхшайдиган асарлар бўлган. Чунончи, «Қиссаи Рабғузӣй», Мажлисийнинг «Қиссаси Сайфулмулк» сингари асарлари ўзларининг эпик хусусияти, воқеаларга бойлиги билан повесть жанрига бирмунча яқин туради. Бирок улар асос-эътибори билан назмда ёзилганлигига ёки ўзларида, ҳам наср, ҳам назм унсурларини бирлаштирганлигига кўра кўпроқ поэмага яқин туради. Реалистик ўзбек повести, асосан, XX асрда туғилди. Ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Судхўрнинг ўлими», Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Ғ.Ғуломнинг «Нетай, «Ёдгор» сингари асарлари унинг дастлабки намуналари ҳисобланади»².

Кейинчалик Ойбек «Болалик», А.Қаҳҳор «Синчалак», О.Ёкубовнинг «Муқаддас», П.Қодировнинг «Эрк», Ў.Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» каби кўплаб қиссалари ўзбек насрининг ютуқларидан бўлди.

Истиқлол даври ўзбек насрига разм солинса, йирик жанрлардан кўра кўпроқ кичик жанрлардаги асарларни учратиш мумкин. Лекин мустақилликнинг кейинги йилларида яратилган қиссаларда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислохотлар, инсонлар руҳиятидаги турфа эврилишлар, эскича ва янгича қарашлар ўртасидаги мувозанат ва бошқа кўп масалалар акс этганига гувоҳ бўлиш мумкин.

«2001 йилда турли нашрларда эълон қилинган қиссаларнинг кўпчилигига тимсолларнинг атай индивидуаллаштирилмаганлиги ва тилнинг аллегорик-киноявийлиги хосдир. Бу қиссалардаги умумий жиҳат уларнинг алоҳида инсон қиёфасини чизишдан кўра қиёфасиз ижтимоий қатлам, «мен»

¹ Ўша китоб, 469-бет.

² Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш.-Т., ЎАЖБНТ., 2003 й., 265-бет.

сиз одамларни тасвирлаш асносида оммавий қиёфасизликни кўрсатиш, маънавий таназзулнинг умуммиллий кўлам касб этаётганлигини акс эттиришда намоён бўлади»¹. Адабиётшунос олим Қ.Йўлдошев мустақиллик даври қиссалари қиёфаси хусусида фикр билдириб, ўтар экан, қиёфасиз катлам тасвирига бағишланган ушбу қиссаларда тоталитар тузумнинг салбий оқибатлари, халқ онгига қилган акс таъсири ва ҳақозолар қатори инсоннинг ўз дунёси тавсифи ҳам берилаётганлигига ишора қилади.

Истиқлол даври ўзбек адабиётида Эркин Аъзамнинг «Шоирнинг тўйи» ва «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» тарзидаги икки қиссаси қаҳрамонларининг бирортасига ҳам исм қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтади. Яъни шоир айтганидек, «ном номусга эгадир» ақидасига амал қилган ёзувчи «номусдан нишонаси бўлмаган» қаҳрамонлари учун исм танлаб ўтирмайди. Улар Оташқалб шоир, Оқсоқол шоир, Алвастихоним, Ажойиб домла, Мафкурахоним, Тепакал, Заҳматкаш, Маъшуқахоним, Фан арбоби, Жиянбека, Ёш шоир, Мусофир ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, мустақиллик даври қиссачилигида Э.Аъзамнинг «Шоирнинг тўйи» қиссасининг ютуғи шундаки, у ўқтин-ўқтин ташқаридан қараганда ҳаммаси ҳам қиёфасиз бўлган қаҳрамонларнинг ҳар бирига хос жиҳатларни ғоят усталик билан акс эттира олган. Мана шу жиҳат уларнинг қиёфасиз қиёфасини кўрсатишга хизмат қилган»².

Эркин Аъзамнинг шу даврда яратилган яна бир қиссаси «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» дея номланган асари бўлиб, ушбу қиссада яқин ўтмишда бошдан кечирилган тузум моҳияти акс эттирилган. Асарда «коммунизм» тузумига бораётган Буриё аҳолисининг оила қуришдай интим масаласини ҳукумат даражасида ҳал этишга мажбурлиги, ҳамманинг бир ёшда турмуш қуриб, бир хил кийим кийиб, бир хил гапириши, кишини

¹ Қозокбой Йўлдош. Ёниқ сўз. -Т., «Янги аср авлоди», 2006 й., 120-бет.

² Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз. Т., Янги аср авлоди, 2006., 121-бет.

киёфасизликка, шахсизликка олиб борадиган турмуш тарзи турли ракурсларда таъсирли тасвирланган¹.

Адабиётшунос олимнинг мустақиллик даври насри, хусусан, қиссачилиги ҳақидаги «Қиссалар киёфаси» тадқиқотида Э.Аъзамнинг юқоридаги икки қиссасидан ташқари Д.Саидованинг «Кунларнинг бирида» тўпламидаги «Кунларнинг бирида», «Еру осмон оралиғида» қиссалари хусусида ҳам сўз боради. Ушбу қиссалардан бирида ўзбек аёлининг бахтсизлиги бутун оламнинг бахтсизлигидан кўра оғирроқ эканлиги ҳақида гап кетса, иккинчисида бир қариқиз бўлиб қолган аёлнинг бошқалар ғаму ташвишида юриб, ўз дардларини унутиши, лекин у яраштирган эру-хотин унинг яхшиликларини бир зумда унутиши ҳолатлари акс эттирилган.

Тадқиқотда 2001 йил эълон қилинган Абдуқаюм Йўлдошевнинг «Тимсоҳнинг кўз ёшлари» асарида акс этган уч қаҳрамон орқали бугуннинг белгилари акс эттирилганлиги ва инсоф, иймон, андиша айб саналган жойда эзгу сифатларга эга одамларнинг бахти ҳақида гапириш мумкин эмаслиги таъкидланади.

Тадқиқотда ёш ёзувчи Абдунаби Абдиевнинг «Тилсим» қиссаси, Қўчқор Норқобилнинг «Кулиб тур азизим» қиссалари хусусида ҳам сўз боради. Биринчи қисса рамзларга йўғрилган, лекин анча хом қисса эса шафқатсиз жанглarda ҳиссий назокатлардан тамомила йироқлашган афғонча ўзбек йигити ўйларининг табиий йўналиши тасвирланган. Ушбу қаҳрамоннинг ҳасталик билан олишгандаги ҳолати чизилган ўринларда ҳам муаллифнинг тасвир маҳорати яққол кўзга ташланиши адабиётшунос олим томонидан тадқиқи этилган. Ушбу тадқиқотдан истиқлол даврида яратилган айрим қиссалар хусусида қисман бўлса-да тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунга кўра олимнинг ушбу талқин қилинган қиссалари ҳақидаги хулоса фикри ҳам эътиборга молик.

¹ Ўша китоб, 124-бет.

Қиссачилик борасида бир қатор салмоқли ишлар қилинди, лекин қиссаларда бадий маҳорат кўнгилдагидай эмас. Аксар қиссаларда кўрсатиш ўрнига айтиб бериш, тасвирлаш ўрнига баён устунлиги таъкидлаш жоиз. Бунга, бизнингча, тасвирда қаҳрамонларнинг шахсияти товланишларидан кўра, уларнинг бошидан ўтган саргузаштларни кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратиш сабаб бўлган»¹.

Ушбу тадқиқотда таниқли адабиётшунос олимимиз 2001 йилда турли нашрлар орқали эълон қилинган бир неча қиссалар ҳақида фикр юритади.

Лекин истиқлол даври ўзбек насрида бошқа бир қатор қиссалар ҳам юзага келди. Хусусан, Мирмажид Зокировнинг «Муздан чиққан чақмоқлар», Нормурод Норқобиловнинг «Увлаётган ит», Улуғбек Абдулваҳобнинг «Ёлғизлик» қиссаси, Шойим Бўтаевнинг «Шўродан қолган одамлар», Назар Эшонқулнинг «Тун панжаралари» каби қиссалари анча салмоқли ўринга эга ва эътиборли қиссалардандир. Ушбу қиссаларнинг ҳар бири бирор йирикрок тадқиқотга объект бўла оларли даражада ўз ўрнига эга қиссалардир.

Булардан ташқари шу йилларда яратилган қиссалар орасида Б.Даминовнинг «Она тупроқ», Б.Ризаев, О. Умнатқуловнинг «Хат», Т.Раҳмоннинг «Марварид шодаси», А.Ибодиновнинг «Қайғусиз қаср», Х.Хурсандовнинг «Чопон кийган аёл» сингари анчагина бўш асарлари ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Қиссачилигимиз тараққиётида таниқли ёзувчи Назар Эшонқулнинг ўрни бор. Ёзувчининг 2008 йил нашр этилган «Ялпиз ҳиди» тўпламидаги «Уруш одамлари», «Момоқўшиқ», «Тун панжаралари» ва «Қора китоб» каби қиссалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, буюк ва таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг ҳам 2008 йилда эълон қилинган «Киприкда қолган тонг» тўпламида шу номли қиссаси ва «Умрим баёни» номли автобиографик қиссалари ҳам ўрин олган.

¹ Қ.Йўлдош. Ёник сўз. Т., Янги аср авлоди, 2006, 130-бет.

Адибнинг «Киприкда қолган тонг» қиссаси таниқли ўзбек ёзувчиси, марҳум Ўлмас Умарбековнинг порлоқ хотирасига бағишланади. Қисса биографик характердаги қисса. Унда муаллиф Саид Аҳмаднинг Ўлмас Умарбеков билан қилган биргаликдаги сафар таассуротлари, ёзувчининг оиласи ва дўстлари, ҳамроҳлари билан муносабатлари ва оғир хасталик давридаги руҳий изтироблари акс эттирилган.

Асар тили равон ва бадиий жиҳатдан мукаммал. Унда ўзига хос оҳанг, залвор мужассам.

Ушбу қиссанинг бош қаҳрамони ўз-ўзидан Ўлмас Умарбековдир. Саид Аҳмад асар давомида ушбу ёзувчига ўзгача бир меҳр билан муносабатда бўлади. Ушбу образни авайлаш, заҳматлардан нари тутишга интилиш, акаларча муносабат қиссанинг умумий мазмунига сингдирилган. Шу сабабли қиссанинг пролог – муқаддима қисмида ёзувчи шундай изоҳ беради: «Инсонни бадном қиладиган ҳар қандай ҳаром-хариш ишлардан ўзини тия олган, бу дунёга пок келиб, пок кетган, нурдек тиниқ ҳаёт кечирган, Аллоҳ даргоҳига фаришта бўлиб йўл олган дўстим, укам, жигарим, қадрдоним, хотираси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайдиган севикли ёзувчим Ўлмас Умарбековга бағишладим ушбу қиссани»¹

Қисса давомида айнан унинг характер-хусусиятини кўрсатувчи турли кўринишдаги деталларга катта аҳамият берилади.

Назар Эшонқул қиссалари бадиий маҳорат ва кўламдорлик жиҳатидан ўзига хос бўлиб, унда замонавийлик хусусиятлари кучли.

Адибнинг “Қора китоб” қиссаси модернистик услубда ёзилган асарларидан биридир. Унда инсон маънавияти масаласи етакчи мавқени эгаллайди. Асар ноанъанавий шаклда, яъни ҳикоячи қаҳрамоннинг китобхон билан ошкора мулоқоти тарзида шакллантирилган. Ушбу асар нашр этилганидан буён асар юзасидан жуда кўплаб мулоҳазалар билдирилди.

¹ Саид Аҳмад. Киприкда қолган тонг. Т., «Шарқ», 2008.5-бет.

Хусусан, таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов шундай дейди:

“XX аср ўзбек насрининг узун йўлидан кетаётган йўловчи Назар Эшонкул манзилида бир тўхтаб ўтишга мажбур. Ўйга толиши, хайратланиши, бош қотириши, эҳтимол, жиндай ғашланиши, аммо охиروқибатда қувониши табиий. «Қора китоб» номли мураккаб қиссасини ўқиб, турли талқинларга, тафаккурга бериласиз”¹.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу қисса ўзбек адабиётида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки қиссанинг қаҳрамони бир пайтнинг ўзида ҳам гуноҳкор банда, ҳам шу гуноҳкорнинг қораловчиси, ҳам жабрдийда шаклида кўзга ташланади.

Қиссанинг ҳикоячи қаҳрамони асар бошида бир қора соқол кишининг ортидан бориб, “қора китоб”ни топади. Уйига яширинча олиб келиб, уни берилиб ўқий бошлайди. У мана шу китобга шунчалар берилиб кетадики, уйланганида янги келинга ҳам эътибор бермайди. Натижада унинг ўрнига Қора соқолдан болалар – икки ўғил ва бир қиз дунёга келади. Ҳикоячи қаҳрамон бу фарзандларини ҳам қора китобга эътиқод руҳида тарбиялайди. Вақт ўтиб, йигитлар вояга етганларида улар отасидан ҳам кўра ўша қора китобни ва Қора соқол кишини кўпроқ ардоқлашади. Ўғилларининг бири маҳоратли рассом, иккинчиси эса моҳир бастакор бўлиб етишади. Лекин рассом ўғилнинг чизганларининг асосий мазмуни қора китоб ва унинг соҳиби билан боғлиқ расмлар бўлади. Бастакор эса кўпроқ даҳшатли куйлар кашф этади. Ҳар иккаласи ҳам жоҳил бўлиб улғайишади. Асар давомида отаси уларнинг изидан бориб, улар амалга оширган даҳшатли воқеаларни кўради. Ҳар иккаласининг ўлимининг гувоҳи бўлади.

Биттагина қизи эса чақалоқлигидаёқ онасининг сўриб жонини олади. Кейинчалик эса деярли ўз отаси бўлган Қора соқолдан хомиладор бўлади. Лекин ҳикоячи қаҳрамон уни келажакда иблис боласини дунёга келтирмаслиги учун уни ўз қўллари билан ўлдиради. Хуллас, қора соқолни

¹ www.e-adabiyot.uz.pg.5.

деб ўз фарзандларининг ўлимларига гувоҳ бўлади, танлаган йўли хато эканлигини кеч бўлса ҳам англаб етади.

Назар Эшонқулнинг ўзи “Қора китоб” ва унинг қаҳрамонлари ҳақида куйидагича фикр билдиради:

«Қора китоб» қаҳрамони фаол. У ўзини англаб етди. Англаб етидигина эмас, ўзи ҳақида хулоса ҳам қилиб бўлди. Лекин у англаб етган хулоса, ҳаддан ташқари шафқатсиз эди. У ўзининг «мен»ини шу қадар фожеага олиб келган нарса нима, деган саволга жавоб излади. Жавоб излаш оқибатида ўзи яратганини қурбон қилди. Чунки у дафъатан ўзининг қурбон бўлганини билиб қолди. Кимнинг, ниманинг йўлида? Ким ва нима учун? Агар у кундалик ҳаёт тарзини бузмай яшаб келганида, ўзининг қурбон бўлганини ва қурбон бўлаётганини англамасдан, бошқалар каби яшаб ўтарди. Лекин у англаш сари юз тутди. Оқибатда ўзининг қайсидир ғоя йўлида қурбон бўлганини англаб қолди. У қурбон бўлганда ҳам масхараомуз тарзда қурбон бўлганди. У ниманики гўзаллик ва озодлик тимсоли деб сиғинган бўлса, сиғингани жаҳолат ва қатағон бўлиб чиққан эди. У ниманики эзгулик учун яратган бўлса, ёвузликнинг хизматкорига айланганди. У айбсиз айбдор бўлиб чиқди. У адашганини англади. Ҳаётини ўзгартиришга қурби келмади. Фақат ўзи яратган ғояга бўлган ишончнингина бўғизлай олди. Қурби шунгагина етди. У бу ғоянинг, бу таълимотнинг яна яшаб, ўзи каби миллионлаб кишиларни қурбон қилишини истамади. Бу қаҳрамоннинг исёни ҳам бор-йўғи шу. Камю айтганидек, бу англаниш, ўзини топиш исёнидир. Инсон ўзини англаш сари бораётган экан, тушкунлик ботқоғига ботганлардан фарқли ўлароқ, бу қаҳрамон ўзининг адашиши ва ўзининг қурбонлиги сўнгги қурбонлик, сўнгги адашув, сўнгги оғриқ тўла ҳайқириқ бўлиб қолишини истаяпти»¹. Муаллиф ушбу фикрлари орқали кеч бўлса ҳам ўз қилмишини англаб етган инсон бошқалар учун фойда келтирувчи инсон бўлиб қолишини таъкидламоқчи бўлади.

¹ www.e-adabiyot.uz.pg.7. Назар Эшонқул. АДАБИЁТ БАРИБИР ЯНГИЛАНАВЕРАДИ.

Кўринадик, Назар Эшонкул “Қора китоб”нинг бош қаҳрамони ҳақида ўзи тўлақонли тавсифни берган. Бу қаҳрамоннинг исми-шарифи бўлмаса ҳам, лекин асарда у ўзи пайдо қилган жаҳолат оламига қарши якка ўзи курашади. Шунга кўра ҳам уни фаол қаҳрамон дейиш мақсадга мувофиқдир.

Бу қиссада қўлланилган услуб ҳақида эса куйидаги мулоҳазалар билдирилган:

«Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссаларида 60-70-йилларда нашр этилган кўплаб назарий адабиётларда қайд этилган ички монологнинг бадиий-ғоявий жиҳатдан монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-кечинма турларидан ташқари, монолог-орзу, монолог-тафтиш, монолог-хаёлий-суҳбат турлари ҳам учрайди. Худди шу ҳолатни биз Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Назар Эшонкулнинг “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида ҳам кузатдик. Зеро, адабиётшунос олимлар ёзувчи ва шоирларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари структурасини кузатиш ва ўрганиш натижасида, адабий тур ва жанрларнинг, асар композицияси, услуб, ёзувчи дунёқараши ва маҳорати ҳақида қонунқоидалар яратади. Бу назариялар осмондан олиб яратилмайди, балки адиблар яратган гўзал муждалар илмий мулоҳазалар юритишга тurtки беради. Демак, адабиётшунослик, бадиий асарнинг қонуниятлари ҳақида фикр юритар экан, реал бадиий асарлар асносида, муайян хулосалар чиқаришга асос беради»¹.

Дарҳақиқат, Назар Эшонкулнинг «Қора китоб» қиссасида юқорида санаб ўтилган, назарий адабиётларда қайд этилган ички монологнинг шаклларида бадиий-ғоявий жиҳатдан монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-кечинма турларидан ташқари, монолог-орзу, монолог-тафтиш, монолог-хаёлий-суҳбат турлари ҳам учраганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Буни биз асарнинг бошланишидаёқ кузатамиз:

¹ www.e-adabiyot.uz.pg.8. Марҳабо Қўчқорова. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора.

«Биродар, яхши одам бўлсангиз керак, кўзларингиз айтиб турибди. Сиз ҳам бу чархи дунёнинг кўп надоматларини бошдан кечирганга ўхшайсиз»¹. Бу шакл монологнинг «монолог – хаёлий-сухбат» шаклига киради. Демак, асар шундан бошланган. Бундан ташқари қиссада «монолог-хотира» шакли ҳам мавжуд:

«Қиш кунларининг бирида кўшни кўчада, бузилган улар орасида чўкки соқол кишини учратиб қолдим...»²

Шунингдек, «монолог-кечинма» шакли ҳам асарнинг асар қисмини ташкил этади:

«Бу шаҳарлар шафар эмас, улкан қабристон; фарқи шуки, бунда ҳар ким ўз қабрини ўзи қазийди»³.

Асарни ўрганиш чоғида монологнинг қолган шакллари ҳам ушбу қиссада ёзувчи услубининг турфа қирралари шаклида қўлланилганлигига гувоҳ бўлдик. Умуман, Назар Эшонқулнинг «Қора китоб» қиссасида инсониятни ўйга толдириб келаётган маънавий-ахлоқий масалаларнинг умумлашма шаклдаги ифодасини кўриш мумкин. Чунки асарда Иблис образи Қора соқол тимсоли орқали, бутун инсоният эса ҳикоячи қаҳрамон ва унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлган. Қора соқол инсонларни авраб, ўзига сеҳрлаб, ром этиб олади, сўнгра эса ўз ғоя ва мақсадларини уларнинг қўли билан амалга оширади. Асарнинг ҳар бир детали ниманингдир рамзи. Айниқса, қора китоб, бу йўлдан оздирадиган бузғунчиликка асосланган ғоялар мажмуи. Бу асарда ота ва болалар муносабати масаласи ҳам илгари сурилган. Ўз отасидан нафратланадиган, Қора соқол каби Иблисларга кўр-кўрона эргашиб кетаверадиган, жоҳиллашган инсонлар рамзи бўлган ҳикоячи қаҳрамоннинг икки ўғли, зулукдай сўриб, ўз онасининг ўлимига сабаб бўлган қиз бола орқали ўзининг ташвишлари, ҳаловати учун ота-онасини қийноққа қўядиган фарзандлар тимсоллари акс эттирилган.

¹ Н.Эшонқул. Ялпиз ҳиди. –Т., Шарқ, 2008. 193-б.

² Ўша китоб. 201-б.

³ Ўша китоб. 201-б.

Қиссадаги ҳикоячи қаҳрамон ўз қизини ўлдирганлигини айтади. Бу ўринда қиз Иблиснинг ғоя ва мақсадларини келажак авлодларга етказадиган, таназзулга, жаҳолатга сабаб бўладиган авлод етишиб чиқишининг манбаи тимсоли вазифасини ўтаган. Чунки у туғадиган бола Иблиснинг вориси эди.

Умуман, ушбу қиссада барча умумбашарий ва умуминсоний муаммоларнинг жамланмасини Қора соқол ва йўлидан адашган кимса тимсоллари орқали англаш мумкин.

Қора китоб ҳақидаги ўзига хулоса шаклидаги фиркни назар Эшонқул билдириб ўтади:

«Бу асар инсоннинг покланиши ҳақида. Мен уни шундай орзу ва мақсад билан ёзганман. Бироқ бу саволга жавоб борми? ...Ўйлашимча, агар жами одамзод шу саволга жавоб излаш жараёнида яхлитлашса, нажот йўли топилади. “Қора китоб”даги фожиа якка шахс фожиаеи эмас, у инсоният фожиаеи. Шу сабабли асар сўнгида қаҳрамон: “...Иблис билан бир тўшакда ухлаб ётган ушбу дунёни ларзага солиб, масту мустар ҳайқираман. Майли, менинг ҳайқиригим дунёнинг адашган сўнги ҳайқириғи бўлиб қолсин»¹.

Ҳақиқатан ҳам, бу асар китобхонни ўйлашга чорлайди. Ҳар бир хати-ҳаракатига баҳо беришга ундайди. Чунки инсон ҳар дақиқада иблиснинг йўлига юраётганлигини ўзи ҳам билмай қолиши мумкин.

Асар юксак савияда ёзилган, ўзбек насрида ўз ўрнига эга асарлардандир.

Назар Эшонқулнинг бошқа қиссаларида ҳам маънавий қарашларга жиддий эътибор қаратилади. Хусусан, «Момоқўшиқ» қиссаси шулар жумласидан.

«Назар Эшонқул “Момоқўшиқ” қиссасида: “Инсон учун ҳаётда нима муҳим? Аёл бахти нимада?” – деган бадиий-фалсафий муаммони ўртага ташлайди, Муаззамнинг ҳаёти мисолида бу саволларга жавоб топади. Қисса марказий қаҳрамони – Шамси Салоҳнинг ҳою ҳавасларга, ҳашамларга,

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил 13-сонидан олинди

машхурликка ўчлиги нафақат кийинишида, гап-сўзларида, хатти-харакатларида динамик тарзда акс эттирилади¹.

Ҳақиқатан ҳам, қиссада, айниқса, Муаззам билан боғлиқ бадиий тасвирларда лирик-қиссалик услуб етакчилик қилади. Тасодифан Муаззамнинг аллаловчи, сеҳрловчи гўзал қўшиғини эшитган тўртта хашарчи (Шамси Салоҳ, Исмоил Али ва икки актёр) ҳақиқий санъат соҳибининг иқтидорига гувоҳ бўлиб қолишади. Муаззамнинг хатти-харакатлари, ташқи киёфасини ёзувчи кўчим турлари метафора, метонимик кўчим воситалари билан ифодалаб, тасвирда янада оригиналликка эришиш мақсадида ўхшатиш, жонлантириш, истиора каби тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Чунончи, адиб Муаззамнинг эркин ва озод қўшиқ куйлашини осмонда учиб юрган кушчага ўхшатади. Аёлнинг сеҳрли овози эса хаёлда тоза, беғубор, самимий болаликни ёдга солади. Қуйидаги бадиий тасвирга эътибор қаратсак: “Унинг қизил чит кўйлаги югураётган пайтда ростдан ҳам олислардан келаётган кеманинг алвон елканига ўхшаб, хилпираб кетарди”².

Бир қарашда, бу жуда нотабиий метафорик кўчим бўлиб кўринади. Лекин иккинчи тарафдан, ҳақиқатан ҳам узоқдан кузатилганда қизил кўйлак кийиб югураётган аёлнинг хатти-харакатлари қизил алвонли кемага ўхшателиши кўнгилда ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Аксинча, янгича бадиий ифодадан кўнгил ғалати тарзда қониқади. Қиссада, айниқса, Шамси Салоҳ руҳияти билан пейзаж тасвири, ниҳоятда, бир-бирига уйғун ва мутаносиб акс эттирилганини кузатиш мумкин. Чунончи:

“У сарғайиб қолган барглари дув тўкилаётган дарахтлар орасидан юриб борарди. Қуёш аллақачон ботган, уфқда қизил шафақ ёнарди. Оёқ остида чуркин новдалар қарс-қурс синар, боғда пахта ва ғубор ҳиди анқирди.

...Ҳали кузнинг ярми ҳам ўтмаган бўлса-да, боғ ичида ва боғга туташ майсазорда қарғалар тўда-тўда бўлиб изғиб юришарди ва ҳар-ҳар дамда нимадандир чўчишгандек талвасали қағиллаб қўйишарди. Салоҳнинг юраги

¹ Ўша манба. рг.9.

² Н.Эшонқул. Ялпиз ҳиди. –Т., Шарк., 2008. 127-б.

бирдан орқага тортиб кетди, қарғалар факат қабристондагина шундай ваҳимали қағиллашади. У қачонлардир кимнингдир инояти билан экилган гужум дарахтининг тагидан ўтар экан, бўйнига чарс этиб нимадир тушди ва кўйлаги ичига сизиб кета бошлади”¹.

Шамси Салоҳнинг қалби оёқ остида қарс-курс синаётган новдалар каби синик, ёйинки, барглари дув тўкилган дарахт танаси сингари юраги ҳам бўм-бўш, шип-шийдам. Осмонда тўда-тўда бўлиб қағиллаётган қарғаларнинг талвасали қағиллаши сингари Шамси Салоҳ юраги ҳам кўрқинчли ва ваҳимали. Унинг қалби қуруқ ҳою хаваслар, ёлғон, жирканч, ноинсоний муносабатлар туфайли қабристонга айланган. Боғдаги ғубор ҳиди, аслида, Шамси Салоҳнинг ғаразли, ғуборли ниятларига ишора бераётгандек. Гужум дарахти шохида ўтирган қарғанинг Шамси Салоҳ устига нажас ташлаб кетиши ҳам бежиз тасвирланмаган. Рамзий маънода қаҳрамон қарға ахлати билан тақдир томонидан мукофотланади. Бу мукофот Шамси Салоҳнинг Муаззам ҳақидаги ғаразли мақсадлари, режаларига лойиқ ва муносиб тарзда белгиланган. Бизнингча, асар якунида Шамси Салоҳ Муаззам учун ҳақиқий бахт, умуман, инсон ҳис-туйғулари учун тозалик ва самимийликнинг нақадар муҳимлигини англаб етади. Бу мағлубият унга қанчалик оғир ботмасин, ночор қишлоқ шароитида яшаса-да, ўзида яшашга, меҳнат қилишга, кулишга, ўзини бахтли санашга куч топа олаётган Муаззам ва Отақулнинг бахтиёрона, масрурона ҳаётини кузатиб, хатоларини англаб етади. Унинг исмидаги Шамс – офтоб, қуёш маъносини англатади. Афсуски, Шамси Салоҳ ўз исмидаги чуқур маънога зид равишда Муаззам ва Отақул орасига нур, ёруғлик, эзгулик сочиш ўрнига, уларнинг ўртасига совуқчилик туширади. Муаззам – сўзи эса улкан, катта маъноларини англатади. Асар қаҳрамони Муаззам оғир шароитда, ўз истаклари ва хоҳишларидан кечиб бўлса-да, оила, фарзанд бахти учун ўзини фидо этган ўзбек аёлининг рамзий тимсоли.

¹ Ўша китоб. 127-б.

«Бугунги ўзбек қиссачилигини кўздан кечириш натижасида, ҳатто назарий қолипларга тушмайдиган, ғайриодатий услуб, ғайриоддий образларга дуч келамиз. Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси қаҳрамони Шамси Салоҳ нуткида узундан-уzun монолог-орзулар учрайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Сўроқ” қиссаси қаҳрамони Бозор нуткида эса монолог-хаёлий-суҳбат кўзга ташланади. Нутқ типлари бўйича жиддий изланишлар олиб борган адабиётшунос Йўлдош Солижонов монологнинг мазкур типини монолог-диалог деб атайди. Бизнингча, бу термин унчалик тўғри ишлатилмаяпти. Сабаби, диалог, албатта, иккита шахс ўртасида кечадиган мулоқот тури. Аммо монолог-хаёлий-суҳбатда реал шахс бўлмайди. Балки қаҳрамон хаёлан маъшуқаси, дўсти, рақиби, онаси ё ким биландир ёки ўз-ўзи билан баҳслашади. Сўнгги ўн йилликлар ўзбек қиссачилиги шакл ва мазмун эътибори билан бадиий (бадиий услубда, бадиий образда, бадиий тасвирий воситаларда) ва, шунингдек, эстетик янгиланишлар (аксар ўзбек ҳикояларида комиллик, ҳалоллик, маърифатпарварлик – эстетик идеал сифатида намоён бўлмоқда) қилганлигини яққол кузатишимиз мумкин. Хуллас, ҳозирги ўзбек қиссачилигига хос бадиий-эстетик янгиланишларни илмий асосда ўрганиш, таҳлил этиш, бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масаладир»¹.

Адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлган қиссачиликда маънавий-ахлоқий муаммоларнинг акс эттирилишини ҳам ўрганиш бугунги куннинг муҳим жиҳатларидан. Чунки бугунги куннинг ёзувчиси китобхонга нимани тарғиб этаётганини, нималарга ундаётганлигини билиш ҳар биримиз учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

1.2. Собир Ўнарнинг «Бибисора» қиссасида ахлоқий муаммоларнинг кўйилиши

¹ www.e-adabiyot.uz.pg.11. Марҳабо Қўчқорова. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора.

Қисса жанри бошқа жанрлардан ривоявийлиги билан ажралиб туради. Ушбу жанрда ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати яна бир бор синалади. Чунки ғоявий мақсадни амалга оширишда қисса жанридан фойдаланишни мақсад қилган ёзувчилар маҳорат борасида ўзларини намоён қиладилар. Мана шундай адибларимиз қаторида эл орасида танилиб бораётган адиблардан бири Собир Ўнар ҳам бор бўлиб, унинг қиссанавислик маҳорати мустақиллик даври насрида ўзига хос аҳамитга эга.

Замонавий ўзбек қиссанавислигининг ривожланиши, унинг янгича мазмун билан бойиб боришида ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган адибларимиздан бири Собир Ўнарнинг бир қанча қиссалари бугунги кунда ўз мухлисларига эга эканлиги, ўзига хос янгича характерлар талқини билан ажралиб туриши улардаги замонавийлик жиҳатларининг ўрганилмаганлиги уларни тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

“Истиқлол даврида ўзбек носирлари қаҳрамонлар тасвирида схематизмдан қутулиб бормоқда. Бадиий асарда одамга мавжудлиги билан сир-синоатга тўла, ҳар лаҳзада ҳар кимга ҳар турли қийматга эга бўлиб туюладиган тирик инсон тарзида ёндашиш қарор топиб бораётир”¹. Бундан кўринадики, адибларимиз асар қаҳрамонларини тасвирлашда қолипга солинган идеал қаҳрамонларни эмас, балки ҳаётий, ютуқлари ва камчиликлари мужассамлашган инсонларни яратиш бу давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб бормоқда.

Собир Ўнар қиссаларида турли тоифа кишиларнинг шахс сифатидаги индивидуал белгилари ёрқин кўзга ташланади. Ушбу адиб асарларида алоҳида образларининг турфа хил табиати акс эттирилган. Собир Ўнар қиссалари қаҳрамонларини ижобий ёки салбий каби тоифаларга ажратишнинг иложи йўқ. Чунки аксар қаҳрамонлар замондош инсонлар бўлиб, уларда ҳам ҳар бир инсонда бўладиган камчиликлар ва ютуқлар бирдек кўзга ташланади.

¹ Ёўлдошев Қ.Ёник сўз. – Т., Янги ас авлоди. 2006. 194-бет.

“...Баъзи асарларни ўқимасанг ҳам ҳеч нарса ютқазмайсан. Бир қарашда адабиётда турғунлик, бир сокинлик борга ўхшайди. Лекин тирик ёзувчи, тирик шоирнинг қиёфасини кўз олдингизга келтириб, ўзи унинг асарлари қандай деб китобхонликка шўнғисангиз, кўп нарсалар топасиз. Тулпор отни улоққа қўшмасангиз, тулпорлиги билинмайди”, — дейди у. Собир Ўнар ҳам қисса жанрида яхши асарлар яратгандан сўнг унинг бу жанрда ижод этишга қобилияти борлиги маълум бўлди. Лекин кўпчилик китобхонлар бу ёзувчининг ўзига хос қиссалари борлигини билишавермайди. Шу сабабли адиб қиссаларининг муҳим жиҳатларидан бўлган маънавий-ахлоқий масалалар ифодасига эътиборимизни қаратдик.

Собир Ўнарнинг фикрича, ёзувчи бор, асар бор, лекин эътибор суст. “Биз ҳайратланмаймиз, қойил қолмаймиз, баъзан баракалла деб қўйишни ҳам эплай олмаймиз. Ўзи зўр адабиёт қанақа бўлади? Буни ҳам тасаввур қилмаймиз. Навоий ёки Қодирий ҳазратлари осмондан оёғини узатиб тушиб келишлари керакдек”, — дейди муаллиф.

Адибнинг фикрига кўра, Ш.Холмирзаев, Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул, И.Султон, У.Ҳамдам, Н.Норқобилов, А.Йўлдошев, Л.Бўрихон, Қ.Норқобил асарларини бирор оммавий хориж тилига ўгирилса, яхши бўларди. “Биз ўзи асли бошқаларга ҳам, ўзимизникига ҳам қойил қолмаймиз. А.Орипов, Э.Воҳидов, У.Азим, Ҳ.Худойбердиева қайси Нобель олган шоирдан кам ёзипти? Бадиий жиҳатдан бўшми, фикр доирасидан торми, қалбидаги вулқон уларникидан пастми? Собир Иттифок ҳудудида ижод қилаётганларни ҳам матбуот, интернет орқали кузатаяпмиз. Жуда қойил қилишаётгани йўқ”, — дейди у.

Собир Ўнарнинг фикрича, бизда адабиёт ҳозирги ҳолида жуда кучли. Фақат унинг кучини бошқаларга билдирилмаяпмиз: эплаб таржима қилмаяпмиз, тарғибот қилмаяпмиз.

Жиддий адабиётни ривожлантириш ҳақида ҳукумат қарорлари ҳам бор. Уларда юқори нашрлар мактабларда қўшимча таълим жараёнига қўшиб ўрганилсин, ўқитилсин дейиляпти.

“Аммо натижа ҳаммамизга маълум... Очиғи, баъзан маънавиятни, унинг ажралмас бўлаги бўлган адабиётни бутунлай бегона соҳа деб яшаётган раҳбарларни ҳам кўраяпмиз. Зотан, адабиёт мактабда пухта ўргатилмас, кизиқтирилмас экан, бу соҳанинг келажагига қандай қараш мумкин?”¹, — дея савол беради Собир Ўнар. Адиб ижодининг асосий ғоявий йўналишини билдирган маънавиятдан ва ахлоқдан йироқ инсонлар образларини яратиш орқали одамларни келадиган офатлардан огоҳ қилишга ундайди. У буни қисса қаҳрамонлари ёки бадиий образлар орқали амалга оширади.

“Адабиёт бадиий образларнинг мураккаб системаси орқали инсон туйғулари, эҳтироси, психологияси ва онгининг жамият, давлат, тарих ва табиат билан боғлиқлик даражасини очиб беради. Адабиёт инсонни тасвирлаш орқали реал воқеликни гавдалантиради”².

Умуман олганда, Собир Ўнар қиссаларида ҳам замон ва маконни тавсифлаш қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва дунёқарашлари орқали амалга оширилганлиги таҳлиллардан аёнлашади. Собир Ўнар маҳорати қаҳрамонлар талқинидаги бадиий деталларнинг мавжудлиги, уларнинг тавсиф орқали ифодаланганлигида кўринади.

Адибнинг “Бибисора” номли қиссасида инсон маънавияти муаммоси бир қанча образлар ёрдамида акс эттирилган. Хусусан, ҳикоячи қаҳрамон вазифасини бажарган Жаҳонгир Жонибеков исмли мактаб ўқувчиси. Асарда ана шу боланинг қариндошлари, шу қишлоққа келиб, яшаб қолган чегачи чол, унинг ўғли Фахриддинлар асосий қаҳрамонлардир.

¹ www.e-adabiyot.uz.pg.1. Собир Ўнар. Баъзан маънавиятни, адабиётни бутунлай бегона соҳа деб яш аётган раҳбарлар.

² Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. — Тошкент. Фан. 1978. — Б.153.

Қиссада чегачи чол тоталитар тузумнинг қаттол ижрочиларидан бири сифатида тасвирланган. У ҳамманинг устидан ёзадиган, одамларни тинчини бузиб, ўз маънавиятидан жудо бўлиши даржасига етказадиган кимса. Асарда унинг ўғли Фахриддин ҳам ўқувчиси бўлган Лола исмли қизнинг номуси топталишига сабаб бўлади. Уни орган ходимлари олиб кетаётган чоғида куйидаги гапларни айтади:

“Чавандоз аканг бор-а, Султон деган? Шерали деган ўғли бор-а? Ўша бизнинг ука бўлади. тушунасанми бунақа гапларга? Бу қишлоқда бизнинг уруғларимиз бор. Ҳали улар отилиб чиқади. Бизни излаб топади. Янгангга, чавандозга тайинлаб қўй, укамизни яхшилаб боқишсин, ўртоқ Жонибеков!”¹

Кўринадики, бу образ маънавиятдан йироқ бўлган иблиснамо типларнинг вакили ҳисобланади. Унинг гапларидан инсонларни маънавиятдан жудо қилувчи кимса эканлигини, отаси ҳам ўғлидан қолишмаслигини англаш мумкин.

Асардаги Тўлғаной ва Лола каби аёллар образлари орқали ёзувчи алдовларга учиб тўғри йўлидан адашган кимсалар образларини яратади. Бибисора эса Тўлғанойнинг синглиси бўлиб, асар ниҳоясида у ўқиётган кўшни мактабга Фахриддин исмли физкултура ўқитувчиси келганлиги унинг хати орқали айтиб ўтилади. Бу билан у каби кимсалар ҳеч қачон жазоланмаслиги, улар ҳамма жойда ҳозир нозир эканликлари, фақат иймони мустаҳкам кишиларгина у каби иблисларнинг сўзига кирмасликлари мумкинлиги, Бибисора каби норасида қизалоқлар эса алданиб қолишлари ҳеч гап эмаслигидан ҳикоячи қаҳрамон уни авайлашни, Фахриддиндан ҳимоя қилишни исташи билан қисса якунланади.

Демак, қиссада ўзбек менталитетига хос бўлган авлодни соф сақлаш, харом ва фахшдан йироқ бўлиш каби қадриятлар улуғланган, уларнинг инсон учун зарурлиги таъкидланади. Инсон маънавиятига путур етказадиган илатлар чегачи чол ва унинг ўғли Фахриддинлар орқали гавдалантирилган.

¹ Собир Ўнар. Бибисора. – Т., Ўзбекистон, 2011. 42-бет.

Яъни, асарнинг асосий қаҳрамонлари салбий хусусиятларни ўзида мужасам қилган иккита иблисифат кимсалар.

Собир Ўнар қиссаларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири уларда асосий қаҳрамон вазифасида ўзига хос характер-хусусиятга эга бўлган, салбий хусусиятларини ҳам мужассамлаштирган инсонлар акс эттирилади.

“Бибисора” қиссаси Собир Ўнар асарлари ичида замонавий мавзудагиси дейиш мумкин. Чунки ундаги бугунги кун замондош инсонларимизнинг психологияси атрофлича, кундалик муаммолар билан биргаликда очиб берилган. Юқоридаги парчадан ҳам инсонларнинг замон билан ҳамнафас пайдо бўлаётган ўзгача муаммолари, озга қаноат қилиб яшаб келган халқимиз вакиллариининг мол-дунёга ихлос қўйиб, бойлик орттиришга бўлган ҳаракатлари, ким ўзарга мол-дунё тўплашлари ва бошқа масалаларга ишора қилинган. Бу ҳолат ҳикояда персонаж нутқи орқали акс эттирилган.

Собир Ўнар қиссаларида маънавий-ахлоқий масалалар бугунги ижтимоий ҳаётга мутаносиб равишда акс эттирилган. Қиссалардаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ёритилишида бундаги бадиий тасвир воситаларининг ўрни алоҳида ва талаб даражасида эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Собир Ўнар қиссаларида ахлоқий масалалар ўзига хос тарзда, ўзига хос услубда талқин қилинган. Яъни қуйидаги хусусиятларга яққол кўзга ташланади:

- Собир Ўнар қисса қаҳрамонлари характерини очиб беришда муаллиф ёки ҳикоячи қаҳрамон нутқидан унумли фойдаланади. Улар нутқидаги жумлалар асосий характернинг ўзига хос жиҳатларига урғу бера олади.
- Ёзувчи қиссаларидаги бош қаҳрамонлар асосан замондош инсонлар бўлиб, уларнинг характер-хусусиятлари орқали бугунги ижтимоий ҳаёт тарзидаги ўзгаришларни, юксалишларни кузатиш мумкин.

- Замонавийликни юзага чиқаришда муаллиф тафсилотларда бадиий деталлардан унумли фойдаланади.
- Макон ва шароит тавсифида замонавийликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда ёзувчи ушбу тасвирларни ўзининг бадиий ғоясига мутаносиблаштира билиши унинг маҳоратини кўрсатади.
- Собир Ўнар қиссаларида бадиият унсурлари, хусусан, бадиий детал, бадиий тасвир воситалари, макон ва шароит тасвиридаги пейзаж, интерьер тасвирлари ўзига хос ва асардаги бошқа унсурларга мутаносиб тарзда маҳорат билан акс эттирилган.

“Адабиёт бадиий образларнинг мураккаб системаси орқали инсон туйғулари, эҳтироси, психологияси ва онгининг жамият, давлат, тарих ва табиат билан боғлиқлик даражасини очиб беради. Адабиёт инсонни тасвирлаш орқали реал воқеликни гавдалантиради”¹.

Умуман олганда, Собир Ўнар ҳикояларида ҳам замон ва маконни тавсифлаш қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва дунёқарашлари орқали амалга оширилганлиги таҳлиллардан аёнлашади. Собир Ўнар маҳорати қаҳрамонлар талқинидаги бадиий деталларнинг мавжудлиги, уларнинг тавсиф орқали ифодаланганлигида кўринади.

Собир Ўнар қиссаларида кўпроқ учрайдиган образлар ўзбек кишлоқларининг соддадил ва софдил инсонлари.

Адибнинг аксар қиссаларида қаҳрамон ҳақидаги маълумотлар муаллиф тилидан эмас, балки ҳикоячи қаҳрамон тилидан сўзланади. Кўп ҳолатларда ҳикоячи қаҳрамон воқеалардаги кузатувчи эмас, балки иштирокчи сифатида талқин этилганидан бу ҳолат ҳикояларда ҳаётийлик хусусиятини аниқроқ кўринишига сабаб бўлади.

Собир Ўнар қиссаларида характерлар талқинида композицион унсурларининг жойлашуви ва ифодасига алоҳида аҳамият қаратилади. Бунга

¹ Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – Б.153.

портрет чизгилар, интерьер тасвирларининг ўринли ва аҳамиятли эканлиги мисол бўлади.

Бадий деталларнинг ўзига хос турларининг ҳикояларда қўлланилиши асар қаҳрамонларининг индивидуал қирралари кўринишида қўл келган. Ҳар бир детал қаҳрамон характериға мутаносиб танланган.

Қисса қаҳрамонларининг нутқи ҳам уларнинг характер-хусусиятлари кўринишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу нутқ қаҳрамоннинг макон ва замонға дахлдорлиги жиҳатини кўрсатишда ҳам ўз ўрниға эғалиги билан ажралиб туради.

Юқоридаги ўзига хос жиҳатлар Собир Ўнар қиссанавислигидаги индивидуал жиҳатлар бўлиб, уларнинг мавжудлиги қиссалар муваффақияти ва ўқимишлилигини таъминлаган.

Хуллас, Собир Ўнар қиссалари ҳозирги ўзбек насрида ўз ўрниға эга, бадий жиҳатдан ўзига хос даражадаги асарлар дейишимизға юқоридаги таҳлиллар асос вазифасини ўтайди. Қиссалар образлари ҳаётийлик жиҳатига кўра ишонарли ва холис талқин этилганлиги уларнинг муваффақиятиға замин бўлганлиги кўзға ташланади.

II боб. Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадииятнинг ўрни

2.1. Қисаларда образлилик

Мустақиллик даври қиссачилиги воқеаларнинг ёрқин манзараларини таъсирли ва қизиқарли қилиб кўрсата билиши, ўзига хос образлар тизими, давр ўзгаришларининг ёрқин ифодаси билан ажралиб туради.

“Истиқлол даври миллий насримиз тараққиётининг муҳим тамойилларидан бири мафкура тазйиқидан қутулган ижодий жараёнда юзага келган эркинлаштириш натижасида мавзулар доирасининг кенгайганлиги ва халқимиз турмуш тарзини, уларнинг турфа хил руҳий-психологик кечинмаларини адабиётимиздаги мавжуд миллий анъаналар ва жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалардан таъсирланиб, ўзига хос турли тасвир усулларида акс эттираётганлигидадир”¹.

Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари воқеликларига бағишланган бадиий наср намуналари қаторида қиссачиликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. “Қисса – инсон ҳаётидаги ҳодисаларни, ижтимоий ёхуд психологик конфликтни характер билан узвий боғлиқ ҳолда ривоявий усулда тасвирловчи катта эпик асар. Қисса, одатда, киши ҳаётидаги ғоятда муҳим воқеа тасвирига бағишланади. Ва унда шу воқеага қадар ва ундан сўнг рўй берадиган воқеалар батафсил баён қилинмайди”². Кўринадикки, қисса жанри ўз мазмун-моҳиятига кўра катта ҳажмли ва ҳаётнинг айрим кўринишини, қаҳрамон ҳаётидаги муҳим воқеликни қамраб олиши билан ажралиб туради.

Қиссанинг ўзига хос айрим хусусиятлари мавжудлиги ҳақида назарий манбаларда маълумотларга дуч келиш мумкин. Хусусан, унинг инсон

¹ Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2002. – Б. 470.

хаётидаги алоҳида бир воқеа асосига қурилиши, унда эпик асарга хос сюжет унсурларининг барчасини топиш мумкин эканлиги, яъни, экспозиция, тугун, кульминация, воқеалар ривож ва ечимлар шулар жумласидандир. Шунингдек. Қисса асосида инсон тақдири яширинганлиги, драматик вазиятлар ва хоказоларни айтиб ўтиш жоиз.

Қисса бошқа жанрлардан ривоянинг узунлиги билан ажралиб туради. Ушбу жанрда ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати яна бир бор синалади. Чунки ғоявий мақсадни амалга оширишда қисса жанридан фойдаланишни мақсад қилган ёзувчилар маҳорат борасида ўзларини намоён қиладилар. Мана шундай адибларимиз қаторида Эркин Аъзам бўлиши, унинг қиссанавислик маҳорати мустақиллик даври насрида ўзига хос аҳамиятга эга.

Эркин Аъзам қиссаида бош қаҳрамонлар юқоридаги тоифа инсонлари бўлиб, уларнинг ўзига хослиги тоталитар тузум давридаги замона қаҳрамонлари эмаслигида кўринади. Яъни, улар ҳам оддий кундалик ҳаёт тарзи ва турмуши билан овора бўлган бирор соҳа вакиллари.

“Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни ҳаракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламакчи бўлган асосий ғояни ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош қаҳрамон деб аталади”¹. Бу таъриф кўпроқ катта эпик асарлар бўлган қисса ва қиссаларга нисбатан қўлланилади. Қиссада асосий ғояни ўзида мужассам этган бош образ мавжуд бўлади. Ундаги асосий қаҳрамонлар атрофлича талқин этилмаса-да, ёзувчининг ўринли тавсифи орқали китобхон кўз ўнгида гавдаланади.

Адабиётшуносликда шакллантирилган тамойилларга кўра қаҳрамонлар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Лекин Эркин Аъзам қиссалари қаҳрамонлари ҳақида бундай кескин тавсифни айтиш қийин. Чунки улар ўз моҳияти, характер-хусусиятига кўра мураккаб ва айни чоғда содда инсонлардир.

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2002. – Б. 59.

Эркин Аъзамнинг қиссалари бош қаҳрамони реалистик образ бўлиб, асарда жиддий камчиликлардан холи бўлмаган инсон сифатида яратилган.

“Инсонни маълум бир ҳаётӣй, ижтимоӣй, тарихӣй ва бошқа шароитларда тасвирлаш бирча ижодӣй методлар учун умумӣй қонундир. Бироқ қаҳрамон характерининг ҳар бир қиррасини ҳаётнинг объектив шароитларига мослаштириб шу йўсинда далиллаб тасвирлаш фақат реалистик адабиётга хос бўлган ҳодисадир”¹.

Шу қонуниятлардан келиб чиқилса, Эркин Аъзам қиссаларини реалистик адабиёт намуналари дейиш мумкин. Чунки муаллиф ҳар бир қаҳрамон характерини очиб беришда объектив шароитга барча жиҳатларни мослаштиришга ҳаракат қилади. Ана шу мослаштириш жараёнида у бадиӣй тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Хусусан, пейзаж, портрет, бадиӣй детал, интарьер, персонаж нутқи кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир бадиӣй асарни тадқиқ этишда айнан унинг бадиӣйлигига аҳамият қаратилади. Айнан бадиӣят ёзувчи маҳоратини очиб беришда катта аҳамият касб этадиган унсур ҳисобланади.

“Қисса ўз табиатига кўра характерларни энг майда деталларигача тасвирлашни талаб этади. Характернинг шаклланиши қисса ва повестда батафсил кўрсатилади. Қиссада шаклланган характер ва типлар ёритилади”². Эркин Аъзам қиссаларида тайёр шаклланган характерлар тавсифидан ташқари айрим характерларнинг шаклланиш жараёнидаги муҳим лавҳалар ҳам эслатиб ўтилади.

Қиссада турли тоифа инсонлар образлари асарнинг етакчи қаҳрамони бўлган образларни очиб бериш учун қўлланилган. Унда жамиятдаги шу каби иллатли кишилар қаторида яхши фазилатли инсон образи ҳам шакллантирилган. Хусусан, “Пақананинг ошиқ кўнгли” номли қиссанинг қаҳрамони бўлган Пақананинг рассомлик қобилияти борлиги ҳақида қуйидагича таъриф берилади:

¹ Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – Б.154.

² Ўша китоб, – Б.173.

“Пакана рассомлик билим юртини тугаллаш арафасида диплом иши сифатида “Орзу” аялмиш каттакон бир портрет яратди. Ёшликка хос ғайрат ва эҳтирос билан ишланган бу асарга у мўйқалам тутган кунидан бошлаб расмини чизиб келган сулув қиз-жувонларнинг энг жозиб жиҳатларини назокат ила жамлай билган эди. Унда сумбул сочларини тараётиб, қўлида тароқ, ўргатувчи бир ғамза билан қиё боқиб турган соҳибжамол сиймоси акс эттирилган эди”¹.

Бу тасвир орқали қаҳрамоннинг тийнатида мавжуд бўлган бахиллик, ўзгаларга нисбатан нафрат муносабатини ҳис этиш каби салбий хусусиятларининг ўрнига унинг нозик дидли эканлиги ҳақида сўзлаш орқали адиб инсоннинг барча хусусиятларини борича тасвирлашга ҳаракат қилади.

Асар қаҳрамонига тўлақонли тавсиф бериш мумкин. Ушбу образ аслида қиссачиликдаги янгича типдаги образ шакллантирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ижобийдан кўра кўпроқ салбий хусусиятлари кўрсатилган қисса қаҳрамонларини яратиш Эркин Аъзам ижодидаги индивидуалликни кўрсатади.

Қисса қатнашчилари бўлган асосий қаҳрамоннинг улфатлари, ўзларининг таъбири билан айтганда, халқнинг бир бўлаги, қисса давомида улар ўрни-ўрни билан иштирокчига айланади.

Қиссаларда ўзига хос ҳаёт тарзи, кундалик ҳаётни ўзгартирган воқеа ҳақида сўзланади. Қиссада қаҳрамон яна ўша истехзоли нутқ услубида сўзлаттирилган. Ёзувчи қиссадаги образларнинг кўпини номи билан эмас, лақаби билан атаб қўя қолади. Шулар жумласига Пакана ҳам киради. Унинг руҳиятидаги ўзгариш асарнинг яна бир ўрнида қуйидагича тасвирланган:

“Ногаҳоний муҳаббат Пакананинг ташқи қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди. Илгарилари аксарият мўйқалам соҳибларига хос бир палапартишлик билан дуч келган матоҳни эгнига илиб, иягига ҳафталаб устара теккизмайдиган одам — сипо, озода кийинадиган, соқол-мўйловини

¹Э.Аъзам. Пакананинг ошиқ қўнгли. –Т., Маънавият. 2001. 24-б.

баҳафсала кузаб-безаб юрадиган бўлиб қолди”¹. Асар қаҳрамонининг бундай ўзгаришига юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, илоҳий туйғу ҳисобланган севги сабаб бўляпти. Бу қиссада ушбу қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий жихатларини кўрсатиш орқали ёзувчи жамиятдаги шу каби кишиларнинг муаммоларини кўрсатишга ҳаракат қилади ва бунга эриша олади.

Асар қаҳрамонлари “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссасида айрим ўринлардагина кўзга ташланади. Бир ўринда унинг тавсифи кенгрок қилиб ифодаланади. Муаллиф уларнинг тавсифида сарказмга алоҳида ўрин беради. Киноялар орқали қаҳрамонининг салбий хусусиятларини кўрсатиб бермоқчи бўлади. Асар сўнгида Пакана ўзининг паст гавдасидан нафратланиб, бўйини чўздирди. Лекин унга энди ҳеч ким ҳурмат билан қарамайди:

“Ўзи ўзгаргани баробари ўзгаларнинг ҳам унга муносабати ўзгарган. Кўрган-билганлар масхараомуз кулиб ўтишади. Қизлари, хотини алланечук бегонасираб, таажжуб билан қарашади. Жондан азиз қизлари кўзига негадир балодек кўринади, бир вақтлар алвастига ўхшаган хотинига нисбатан эса жўшқин, тийиқсиз муҳаббат пайдо қилган. Бироқ унга яқинлашмай, яктан бўлай деса, анови ҳол... бошқа одам...”²

Пакананинг бундай кескин ўзгаришини тасвирлаш орқали ёзувчи инсоннинг бошқаларга яхши кўринадан деб, ўзлигидан воз кечиш ҳолатида мана шундай бегоналашув юзага келишини, инсон ҳеч кимга кераги йўқ бир буюмга айланиб қолишини таъкидламоқчи бўлади.

Қисса охирида Пакана ўзини чўзиб паканаликдан даволаган ўша карейс табибнинг ўзи ҳам пакана эканлигини, ўзи ҳам тузалмас касалга чалинганлигини билиб қолади. Бу орқали ёзувчи кишиларнинг ўзлигидан воз кечишга даъват қилувчилар, аввало, ўзининг маънавияти бузуқ шахслар эканлигини кўрсатиб термоқчи бўлади. Пакана кўзгуга қараб ўзининг бу

¹ Э.Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. –Т., Маънавият. 2001. 50-б.

² Э.Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. –Т., Маънавият. 2001. 52-б.

ахволидан ачинади ва нафратланади, қилган ишидан пушаймон бўлади ва кўзгуни уриб синдиради:

“Мўйсафиднинг ажинлари мисоли дарз кетган кўзгу мукаммал манзара касб эта бошлади. Унинг бир бурчагида мўъжазгина “Умид” пайдо бўлди. Ажабо, ул бахти қаронинг ёноғида ёш! Сафсар йиғлаяпти... Ёш томчилари бора-бора манзарани тўлдиради. Ана шу аламли томчилар орасида – ўртада юз-кўли қонга беланган Аламзаданинг ўзи. “Аламзада”.

Рассомни узоқ йиллар унутилган бир титроқ чулғаб олди”¹.

Кўринадик, ёзувчи қиссанинг охирини бутунлай фожеа тарзида эмас, балки қаҳрамоннинг яна ҳаётга қайтиши лавҳаси билан якунлаган. Бундан кишиларнинг ўзлигини йўқотганлигини англаб етгандан кейинги пушаймонлиги ҳолати фожеага эмас, янгича ҳаёт тарзини бошлашларига далда бўлишига умид билдирмоқчи бўлади.

Эркин Аъзам қиссаларида қаҳрамон масаласи ўзига хос тарзда, ўзига хос услубда талқин қилинган. Булардан бири Эркин Аъзам қисса қаҳрамонлари характери очиб беришда баъзан муаллиф, баъзан ҳикоячи қаҳрамон нутқидан унумли фойдаланиши, улар нутқидаги ҳажвийлик орқали асосий характернинг ўзига хос жиҳатларига урғу бера олишида кўринади. Юқоридаги қиссада бу ҳодиса муаллиф нутқи орқали амалга оширилган.

Ёзувчи қиссаларидаги қаҳрамонлар асосан замондош инсонлар бўлиб, уларнинг характер-хусусиятлари орқали бугунги ижтимоий ҳаёт тарзидаги эврилишларни, юксалишларни кузатиш мумкин.

Қаҳрамонлар характер-хусусиятларини очиб беришда ёзувчи уларнинг ўз нутқидан унумли фойдаланади.

“Адабиёт бадиий образларнинг мураккаб системаси орқали инсон туйғулари, эҳтироси, психологияси ва онгининг жамият, давлат, тарих ва

¹ Ўша китоб. 56-б.

табиат билан боғлиқлик даражасини очиб беради. Адабиёт инсонни тасвирлаш орқали реал воқеликни гавдалантиради”¹.

Эркин Аъзам қиссаларидаги образлар талқини ва бадиий маҳорат масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Қисса бадиияти ўзига хос тарзда бўлиб, ёзувчи характерлар талқинида композицион унсурларининг жойлашуви ва ифодасига алоҳида аҳамият қаратади. Булар асар сарлавҳаси, портрет чизгилар, интерьер тасвирларининг ўринли ва аҳамиятли эканлигида кўринади.
- Бадиий деталларнинг ҳам ўзига хос кўринишлари деярли ҳар бир қиссада кўзга ташланади. Булар портрет, предмет, психологик ёки нутқий деталлардир.
- Асарлар бадииятида муаллиф ёки персонаж нутқининг ҳам аҳамияти катта. Улар орқали қаҳрамонлар характери кўпроқ очиб берилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, Эркин Аъзам қиссаларидаги образлар талқинида бадиий маҳоратнинг ўрни беқиёс. “Бадиийликда адабиётнинг хосияти (спецификаси) мезонининг биринчи мароми адабий техникадир”². Асар бадиияти мазмунга мутаносиб, ўринли ва юксак савияда талқин этилмаса, бадиий асар муваффақиятга эришмайди. Эркин Аъзам қиссаларидаги ўзига хос талқинлар ва ютуқлар билан бирга айрим камчиликлари ҳам мавжуд эканлиги ҳақида профессор Қ.Йўлдошев тадқиқотида айрим тимсолларнинг фаолиятда чуқурроқ кўрсатилиши муваффақият келтириши таъкидланади. Шундай бўлишига қарамай, адиб бадиийликнинг маромларини яхши ўзлаштирганлиги учун ҳам унинг қиссалари ўз мухлисларини топган деган фикрдамиз.

¹ Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – Б.153.

² Тўйчиев Умнат. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. – Б. 28.

Умуман олганда, Эркин Аъзамнинг қиссаларда ҳам замон ва маконни тавсифлаш қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва дунёқарашлари орқали амалга оширилганлиги таҳлиллардан аёнлашади. Эркин Аъзам маҳорати қаҳрамонлар талқинидаги ҳажвий тавсиф орқали ифодаланганлигида кўринади.

2.2. Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши

“Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган предметлардан бири – инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида куёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади”¹. Шу маънода истиқлол даври қиссачилигида турли тоифа кишиларнинг шахс сифатидаги индивидуал белгилари ёрқин кўзга ташланади. Адиблар асарларида алоҳида образларининг турфа хил табиати акс эттирилган. Бундай акс эттириш масус бадиий тасвир воситалари ёрдамида амалга оширилади.

“Бадиий асардаги ҳар бир сўз тасвирий восита ҳисобланиши мумкин, чунки у, албатта, мазкур асар мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Шунга кўра ёзувчилар воқеликдаги ҳодисаларни акс эттириш ва баҳолаш учун зарур сўз топа билишлари ҳамда уларни ўз ўрнида қўллаш ва улар воситасида кўзда тутилган маънони тўғри ифодалаш устида тинимсиз меҳнат қилганлар”².

Демак ёзувчининг сўзни ўрни билан қўллай билиш маҳорати асарнинг муҳим бадиий жиҳати ҳисобланади. Истиқлол даври қиссачилигида сўз қўллаш маҳорати юқорида кўриб ўтган қиссаларимизда ўзига хос тарзда амалга оширилган. Модернистик йўналишдаги қиссаларда рамзийлик устун. Лекин айрим анъанавий қиссалар бадииятида бундай хусусият сезилмайди.

¹ Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон. 2002. – Б.47.

² Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. –Т., ЎАЖБНТ, 2003, 123-б.

Бу давр қиссачилигидаги Ҳазраткул Маматқуловнинг “Эшиклар очик” қиссаси ҳам мавжуд бўлиб, ушбу қисса бадиий савия жиҳатдан у даражада юқори бўлмаса-да, унда давр учун жуда муҳим бўлган маънавий-ахлоқий муаммолар акс эттирилган. Хусусан, кишилар ўртасидаги табақалаштириш, порахўрлик, текинхўрлик, бировнинг ҳақидан юлиш кабилар қораланган. Лекин асосий масала инсоннинг виждонан покиза бўлиши, жуда нозик ҳолатларда ҳам ўз виждонига хиёнат қилмаслиги.

Асар қаҳрамони Саъдулла исмли йигит бўлиб, у севган қизига етишолмагайди. Ҳижрон изтиробида юрган чоғида унга тиргак бўлган қизга кўнгил қўйиб уйланади. Бу қизнинг дадаси вазир ўринбосари лавозимида ишлайди. Йигит эса оддий оиладан бўлади. Қизнинг розилиги билан уларнинг тўйлари бўлиб ўтади.

Ёзувчи асар ғоясини тавсифлашда образларнинг хатти-ҳаракатларини асос қилиб олади ва персонажлар характерини уларнинг ўз ҳаракати, феъл-атвори ва тили воситасида очади. Натижада, қиссадаги образларнинг ҳар бири ўзига хос хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва ташқи кўриниши жиҳатидан бир-биридан ажралиб, фарқ қилиб туради. Ёзувчининг маҳорат билан яратган қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам ардоқланади.

Хусусан, Саъдулла отасига севган қизи Ферузанинг оиласи ҳақида айтиб берган чоғидаги диалог ушбу образларнинг маънавий оламини очиб беришга хизмат қилган:

- “Ота-энаси борми, нима иш қилади?
- Бор ота-энаси... энаси боғчада ишлайди... – Отаси-чи?
- Отаси бир хизматчи-да...

Акаси индамади, бироқ отаси унга ўткир тикилди. – Нима иш қилишини биласанми ўзи? Бу саволга аниқ жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди.

- Ҳа, деди Саъдулла – замминистр.
- Замминистр? У министр муовиними?

- Ҳа-а...
- Жуда катта одам-ку, - деди онаси астагина. Отаси луқма ташлади.
- Осилсанг баланд дорга осил-да.

Саъдулла бир қадар инжилди. Ер остида илон қимирласа биладиган отаси буни сезди, мийиғида кулди”¹.

Парчадаги “энаси” сўзи диалектизм, “замминистр” сўзи варваризм, “катта одам” жумласи истиора, баланд дорга осилиш ҳақидаги матал эса фольклор жанрларидан бўлган мақолнинг ўрни билан қўлланилишига мисол бўла олади.

Яна бир ўринда қаҳрамонларни тасвирлашда бадиий тасвир воситалари ўринли қўлланган:

“Семиз киши рўмолчаси билан ҳар бири сопол лагандай келадиган бети, гўдак қулочи етмайдиган даражада йўғон бўйнини ҳафсала билан артаркан, илжайди:

- Кўриб турибсиз-ку, ука, қанақа ҳужжатлигини, мушук-сичқон ўйнаб нима қиласиз, сиз билан бизнинг соҳамизда бу “ҳужжат”сиз бирон иш битмайди, биласиз-ку.
- Саъдулла папка боғичини боғладими-йўқми – билмайди, аммо уни олиб ҳалиги семиз кишининг булғор қалампиридек катта, қип-қизил бурнига қараб отганини билади. Папка бир четга бориб тушди, ичидан ҳужжатлар сочилиб кетди. Бели синмаган пуллар ҳар ёққа пириллаб учди. Бир лаҳзада кечган воқеадан ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Иссиқда лоҳас тортиб, мудраб ўтирган абитуриентлар-у йигит-қизлар аланг-жаланг қилишди.
- Йўқол кўзимдан, ифлос! ”²

¹ М.Ҳазратқулов. Эшиқлар очик. /Севги қиссалари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2013. 243-244-бетлар.

² М.Ҳазратқулов. Эшиқлар очик. /Севги қиссалари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2013. 269-б.

Бу парчада “сопол лагандек келадиган бет”, “гўдак қулочи етмайдиган даражада йўгон бўйни”, “булғор қалампиридек катта, қип-қизил бурни” каби ўхшатишлар шу қаҳрамонни тавсифлашда ўринли қўлланилган. “Хужжат” сўзи эса кино тарзида қўлланилган бўлса-да, аслида пул маъноси назарда тутилган. Парча охиридаги Саъдулла томонидан қўлланган вульгаризм эса унинг соф виждонли йигит эканлигини кўрсатувчи восита вазифасини ўтаган.

Қиссанинг муқаддима ва хотима қисмида халқ оғзаки ижодида қўлланиладиган туш эпизодидан унумли фойдаланилган. Яъни Саъдулла туш кўради, лекин бошида охири кўринмаган зинадан тушаётиб зимистоннинг ниҳояси йўқдек, кўринган бўлади. Лекин кейин эшиклар бирин-кетин очилаверади. Бу унинг заҳматлар эвазига, меҳнати эвазига тақдир томонидан берилган муносиб мукофот тарзидаги ёрқин келажакка ишоранинг рамзий тасвири дейиш мумкин.

Бу қисса ибрат бўларли ҳаёт воқеалари танлаганлиги билан аҳамиятлидир. Асарда маънавий-ахлоқий муаммоларни тасвирлашда ёки ҳаётни борлигича акс эттиришда ёзувчи маҳорати хусусида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Асосий муаммони тасвирлашда асарларида ўзига хос услуб қўллайди. Ёзувчи “Эшиклар очик” қиссасида бадиий тасвир воситаларини ўрни билан қўллагани ушбу асарларнинг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

- Қиссадаги характерлар талқинида алоҳида йўналиш сезилади. Яъни, ҳар бир характер ўз ҳаётини асосига эга ва реал тасвирий қўлам билан йўғрилган. Характерга мос бадиий тасвир воситалари кўплаб келтирилган ва булар ҳам насрий асарлардаги қаҳрамонларнинг ишонарли тавсифланишида етакчи вазифасини ўтаган.

- Ёзувчи ёш, шаклланаётган характерларни тавсифлашда шароит ва макон тасвирига алоҳида аҳамият қаратади, уларнинг руҳий ҳолати ифодасида ўзига хос ўрин тутишларига эришади.

- Адибнинг “Эшиклар очик” қиссасидаги характерлар ўз тиришқоқлиги, фидойилиги ва мардликлари билан ажралиб туради. Унда икки қалбнинг севги саргузашти асосида ҳаётдаги паст-баландликлар, яхши ва ёмонликлар, инсон характерининг мураккаблиги, ёшлар тафаккур дунёсининг кенглиги ва бойлиги очиб берилган. Соф севги ва инсоний бурч тўғрисидаги поклик ва ҳалоллик ҳақидаги чуқур мазмун гўзал шаклда ифодаланиб, ҳақиқий инсонийлик улуғланган.

Умуман олганда, Ҳазратқул Маматқулов асарларининг аксари маънавий-ахлоқий муаммолар талқин этилган асарлар сирасига киради. Уларни атрофлича ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг олдида турган долзарб масалалардандир.

Хулоса

«Адабиёт – абадиятга даъвогар. Адиб бетизгин вақтни тизгинлашга уринадиган зот. У тарихчидан фарқ қилароқ, замон ҳақида ахборот, маълумот бермайди. Билъакс, вақтни, одам умрининг бирор қисмини ҳиссиёту сезимлари билан тасвирга муҳрлаб тўхтатиб қўяди»¹.

Ҳозирги ўзбек қиссачилиги ҳам худди шундай тизгинсиз жараёни ўз бошидан ўтказмоқда. Шунга кўра сўнгги даврда яратилган қиссаларнинг аксариятида ҳиссиёт ва сезимларнинг тасвирга муҳрлаб туширилиши ҳодисаси кузатилмоқда. Бу даврда кўплаб катта-кичик қиссалар матбуот ва нашрларда чоп этилган. Уларнинг айримлари ҳақида юқорида айрим мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу даврда ёзилган қиссаларнинг аксари детектив жанрида, айримлари анъанавий қиссачилик намуналари, айримларида эса рамзий образлар акс эттирилганлиги сабабли ҳозирги шаклланаётган модернистик адабиёт намуналари сифатида талқин этилиши мумкин.

Бу даврда ёзилган барча қиссаларни ҳам ўқимишли деб бўлмайди. Аксар қиссалар бу жанр талабларига жавоб бера олмайди. Шунингдек, ҳар бир қиссада ўзига хос кўзга кўринарли камчиликлар мавжуд. Шунга кўра ҳозирги ўзбек қиссачилигида жанр специфик хусусиятларига тўлақонли жавоб берадиган қиссалар сирасига кирувчи бир неча қиссани таҳлил қилишни маъқул кўрдик.

¹ Қ.Йўлдош. Ўзбек насри уфклари. («Ёниқ сўз» китоби) , Т., Янгиаср авлоди, 2006, 35-бет.

Булар атоқли адибимиз Назар Эшонқул қаламига мансуб «Қора китоб», «Момоқўшиқ», Эркин Аъзам қаламига мансуб «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Шоирнинг тўйи» ва «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» қиссалари, шунингдек, Собир Ўнарнинг «Бибисора» ва М.Ҳазратқуловнинг «Эшиклар очик» каби қиссаларидир. Ушбу қиссаларда акс эттирилган инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари тадқиқотнинг мазун - мундарижасини ташкил этди.

Ўзбек адабиётидаги ўзига хос қиссалар турлари ичида модернистик қисса алоҳида ўрин тутди. Назар Эшонқул ушбу қиссада ҳаёт лавҳаларидан кўра инсон кечинмалари ва таассуротларидан фойдаланиб асар яратади. Асар тили равлониғи ва бадиий мукамаллиғи китобхонни ўзига жалб қилади.

Қиссада ёзувчи бош қаҳрамоннинг характериғи очиш учун турли бадиий деталлардан, киритма эпизодлардан ва бошқа бадиият унсурларидан фойдаланади.

Асарда драматизм кучли берилган эпизодлар қаҳрамоннинг ёвуз кучнинг – Қора Соқолнинг домига тушиб қолган ва ўз хатосини англаб етган паллалари учун берилган ҳолатлари тасвири дейиш мумкин. Унда қаҳрамоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг ўз фарзандларининг ўлимидағи иштироки билан қора кучларни енгишга қаратилган мардона ҳолати тасвири аҳамиятли.

Қисса қаҳрамони бўлган ҳикоячи қаҳрамоннинг характери унинг хатти-ҳаракати билан бирга кечинмалари тавсифида кўпроқ очиб берилади. Ёзувчи бош қаҳрамон характериғи очиб беришда интерьер тасвирлардан, шунингдек бадиий деталдан ҳам унумли фойдаланилган.

Адиб асар аёнида изчиллик тартиби ўзгарган ўринлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тасвирлар асардағи Одам ота образининг қўлланилиши билан боғлиқ. Асарда конфликт, асосан, бош қаҳрамон қалб кечинмалари ва Қора соқол билан руҳий олишув сахналарида маҳорат билан тасвирланган. Ушбу қисса ҳозирғи ўзбек қиссачилиғида ўз ўрнига эга қиссалардандир.

Ҳозирги ўзбек насрида Собир Ўнар ижодининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Унинг «Бибисора» қиссаси ҳаёт муаммоларини, кишиларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаларини яқдил кўрсатганлиги билан ажралиб туради.

Адибнинг ушбу қиссаси турли-туман хайратомуз воқеаларга, кутилмаган ўлиму фожиаларга ўқувчини етаклаб бориб хайрон қилиб ташламайди. Ҳаётда бундан ҳам баттар фожиалар кўп, аммо уларга ўқувчини жалб қилавериш хунук воқеаларни таъкидлаб, ахборот беришдек нохуш кайфият уйғотади. Гап уларнинг ичидан соф инсоний муносабатларни топиб олишда. Адиб бу қиссада ёвузликнинг инсоният билан бақамти яшашини, доимо унинг ҳаётига соя солиб туришига ишора қилади. Шу билан бир қаторда бола ва амаки, бола ва янга, бола ва Бибисора муносабатлари мисолида самимий туйғуларни тасвирлайди. Энг муҳими, инсонлар билган ва гувоҳи бўлган воқеликни қаламга олади. Инсонларни сергак ва бир-бирига эътиборли бўлишга чорлайди.

Эркин Аъзам қаламига мансуб «Пақананинг ошиқ кўнгли», «Шоирнинг тўйи» ва «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» қиссаларида ҳам инсон маънавияти муаммоси ва ахлоқ масалалари асосий ғоявий йўналиш сифатида талин этилган. Адиб бунда ҳажв усули ва сарказмдан фойдаланиб, қиссалар қаҳрамонларининг хатти ҳаракатлари орқали уларнинг маънавий қиёфаларини кўрсатишга эришган. Хусусан, бунга «Шоирнинг тўйи» қиссасидаги Мафкурахоним, Оқсоқол шоир, Оташқалб шоир, Маъшуқахоним каби номидан ҳам ҳажвийлиги билиниб турган образларнинг хатти-ҳаракатлари орқали собиқ тоталитар тузумнинг инсон маънавиятини тубанлаштиришдаги ўрни кўрсатиб берилган.

Асарда ҳажв ва кесатиқ (сарказм) орқали юқорида номлари келтирилган рамзий лавозим ва шахсларнинг жамланма образларини яратиш усули қўлланилган.

«Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» қиссасида Буриё номли рамзий номдаги мамлакат аҳолисининг ҳуқуқлари чекланган ва улар ҳам собиқ

тоталитар тузумнинг инсон маънавиятини тубанлаштирувчи, эркини чегараловчи сиёсатини улуғ доҳий Хон Ман Мен, товариш Як, товариш Майда хон каби образлар орқали ҳажвий усул билан очиб берилган.

«Пакананинг ошиқ кўнгли» асари нисбатан жиддий асар бўлишига карамай, унда ҳам инсон маънавияти, унинг тубанлашуви ёки юксалишида муҳаббатнинг ўрни масаласи Пакана, Сафсар. Ҳилола каби образлар орқали акс эттирилган.

Инсон маънавияти ва ахлоқи масаласи М.Ҳазратқуловнинг «Эшиклар очик» асари орқали ҳам акс эттирилган. Қисса юқоридаги қиссалардан фарқли ўлароқ, анъанавий усулда ёзилган. Унинг асосий қаҳрамони бўлган Саъдулла юнг оғир дамларда ҳам ўз виждони олдида поклигини йўқотмаганлиги, Феруза эса қисман тўғри йўлдан адашган бўлса-да, кейинчалик ўзлигига қайтиб, ҳалоллик йўлида собитлашганлиги маҳорат билан очиб берилган.

“Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган предметлардан бири – инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади”¹.

Юқорида таҳлилга тортилган қиссаларда маънавий-ахлоқий масалаларнинг ёритилиши ҳар хил шаклда амалга оширилган бўлса-да, уларнинг барчасида инсон маънавияти шаклланишида унинг ўзлиги, жамиятдан олган тажриба ва кўникмалари аҳамиятли эканлиги таъкидланади. Бундай хусусиятларни акс эттиришда ижодкорлар куйидагиларга аҳамият қаратадилар:

- Қиссалар бадиияти ўзига хос тарзда бўлиб, ёзувчилар характерлар талқинида композицион унсурларининг жойлашуви ва ифодасига алоҳида аҳамият қаратадилар..

¹ Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон. 2002. – Б.47.

- Бадиий деталлардан унумли фойдаланиш орқали ўзига хос характерларга урғу берилади.
- Асарлар бадииятида муаллиф ёки персонаж нутқининг ҳам аҳамияти катта. Улар орқали қаҳрамонлар характери кўпроқ очиб берилади.
- Қиссаларда рамзий-киноявийлик усули етакчилик қилиб, ёзувчилар ҳаётий-ижтимоий муаммоларни ҳажв ва сарказмдан фойдаланган ҳолда акс эттирадилар.

Умуман, истиқлол даври қиссачилиги кундан кунга тараққий этиб, юксалиб бормоқда. Бунга юқорида қиссалари ўрганилган адибларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шарқ адабиёти тарбияга асосий аҳамият қаратишини ҳисобга олган ҳолда ўзбек насрида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ёритилиши долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Аброров А. Ўзбек повести. -Т., «Фан» нашриёти, 1973, - 180 б.
3. Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. –Т., Маънавият. 2001. 50-б.
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Т., Ўзбекистон, 2002. – 559 б.
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси -Т., Ўқитувчи, 1986, -407 б.
6. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т., Янги аср авлоди, 2006, -544 б.
7. Норматов У. Етуклик. -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
8. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, -Т., Янги аср авлоди, 2005, - 419 б.
9. Умиров У. Адабиёт назарияси Т., Шарқ, 2002, -254 б.
10. Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178.
- 11.Тўйчиев Уммат. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. – Б. 28.
- 12.Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. -Т., Ўқитувчи, 1979, -230 б.
- 13.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Т., ЎАЖБНТ, 2003. -361 б.
14. Ғофуров И. Ям-яшил дарахт. -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, - 230 б.
- 15.Ҳазраткулов Ҳ. Эшиқлар очик. /Севги қиссалари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2013. 243-244-бетлар.

16. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т., Ўқитувчи, 1979, -367 б.
17. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т., Ўқитувчи, 1999, - 544 б.
18. Собир Ўнар. Бибисора. – Т., Ўзбекистон, 2011. 42-бет
19. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил 13-сони.
20. www.e-adabiyot.uz.pg.7. Назар Эшонкул. АДАБИЁТ БАРИБИР ЯНГИЛАНАВЕРАДИ.
21. www.e-adabiyot.uz.pg.8. Мархабо Қўчқорова. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора.
22. www.e-adabiyot.uz.pg.1. Собир Ўнар. Баъзан маънавиятни, адабиётни бутунлай бегона соҳа деб яшаётган раҳбарлар.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
І БОБ. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛИНИ.....	9
ІІ БОБ. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР ИФОДАСИДА БАДИИЯТНИНГ ЎРНИ.....	26
ХУЛОСА.....	46
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	49

**Филология факультети 7-11 гуруҳ битирувчиси Туратова Хуршиданинг “Ҳозирги ўзбек қиссачилигида маънавий-ахлоқий қарашлар”
(Н.Эшонқул, С.Ўнар, Э.Аъзам ижоди мисолида)мавзусидаги**

битирув малакавий ишига

т а қ р и з

Қиссанависликдаги янгилаш ва ўзгаришлар жараёнини ўрганиш, уларнинг савиясини белгилаш, китобхонларни яратилаётган бадиий мукамал асарлардан хабардор қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Шундай қиссанавислардан Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Ўнар, Х.Маматкуловлар бўлиб, уларни бугунги тезкор ахборот асрида мавжудлигини билдириш ва бадииятини ўрганиш ҳам долзарб илмий муаммо ҳисобланади. Бу масала ушбу битирув малакавий ишининг долзарб мавзуда эканлигини асослайди.

Ушбу битирув малакавий ишида ҳозирги ўзбек қиссачилигида жанр специфик хусусиятларига тўлақонли жавоб берадиган қиссалар сирасига кирувчи бир неча асарлар таҳлилга тортилган. Улар атоқли адибимиз Назар Эшонқул қаламига мансуб «Қора китоб», «Момоқўшиқ», Эркин Аъзам қаламига мансуб «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Шоирнинг тўйи» ва «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» қиссалари, шунингдек, Собир Ўнарнинг «Бибисора» ва М.Ҳазратқуловнинг «Эшиқлар очик» каби қиссаларидир. Ушбу қиссаларда акс эттирилган инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари тадқиқотнинг мазмун - мундарижасини ташкил этган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирувчининг бу борадаги мақсад ва вазифалари, ушбу ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти каби жиҳатлар очиб берилган.

Ишнинг биринчи боби “Ҳозирги ўзбек қиссачилигида маънавий-ахлоқий масалалар талқини деб номланади. Унда Н.Эшонқул қиссаларида инсон маънавияти масаласи ва Собир Ўнарнинг «Бибисора» қиссасида ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши каби жиҳатлар тадқиқ этилган. Ушбу қиссанависларнинг муаммо талқинидаги маҳорати очиб берилган. Қаҳрамон руҳиятини очиб беришда муаллиф ва персонажлар нуткидан унумли фойдаланилганлиги композицион воситалардан ўз ўрнида қўллаш ҳисобига мақсадга эришилганлиги битирувчи томонидан тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби “Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадииятнинг ўрни» деб номланади. Бу бобда қиссалардаги образлилик ҳамда маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши масалалари кўриб чиқилган. Характерини яратишда муаллиф шароит тасвири ва меҳнат жараёнига алоҳида аҳамият берганлиги аниқланган. Инсон учун муқаддас туйғуларнинг ифодаланиши мавзусидаги қиссалар бўлганидан, қаҳрамонлар характерини яратишда уларнинг руҳиятини тасвирлаш устунлик қилганлиги уқтириб ўтилган. Бу ҳолат баъзан муаллиф, баъзан персонажлар диалоги шаклида ифодаланганлиги мисоллар асосида тадқиқ этилган.

Умуман, таҳлилга тортилган қиссалар оғир шароитни яхшилаш жараёни, қаҳрамонларнинг чигал вазиятлардан чиқиб кетиши, қийинчиликларни енгиб ўтиши ҳолатлари ва уларнинг руҳиятини маҳорат билан ифодалаган асарлар сирасига кириши таъкидлаб ўтилган. Хулоса шу икки боб юзасидан чиқарилган.

Ишда айрим имловий ваа услубий хатолар учрайди. Булар тузатилса, ишни “аъло” баҳолаш мумкин.

Тақризчи:

доц. К.Кубаев

**Филология факультети 7-11 гуруҳ битирувчиси Туратова Хуршиданинг
“Ҳозирги ўзбек қиссачилигида маънавий-ахлоқий қарашлар”
(Н.Эшонқул, С.Ўнар, Э.Аъзам ижоди мисолида)**

мавзусидаги битирув малакавий ишига

та ш қ и та қ р и з

Ушбу битирув малакавий ишида ҳозирги ўзбек қиссачилигида жанр специфик хусусиятларига тўлақонли жавоб берадиган қиссалар сирасига кирувчи бир неча асарлар таҳлилга тортилган. Улар атоқли адибимиз Назар Эшонқул қаламига мансуб «Қора китоб», «Момоқўшиқ», Эркин Аъзам қаламига мансуб «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Шоирнинг тўйи» ва «Чапаклар ва чалпаклар мамлакати» қиссалари, шунингдек, Собир Ўнарнинг «Бибисора» ва М.Ҳазратқуловнинг «Эшиклар очик» каби қиссаларидир.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирувчининг бу борадаги мақсад ва вазифалари, ушбу ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти каби жиҳатлар очиб берилган.

Ишнинг биринчи боби “Ҳозирги ўзбек қиссачилигида маънавий-ахлоқий масалалар талқини деб номланади. Унда Н.Эшонқул қиссаларида инсон маънавияти масаласи ва Собир Ўнарнинг «Бибисора» қиссасида ахлоқий муаммоларнинг кўйилиши каби жиҳатлар тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби “Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадииятнинг ўрни» деб номланади. Бу бобда қиссалардаги образлилик ҳамда маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши масалалари кўриб чиқилган.

Битирув малакавий ишида таҳлилга тортилган қиссалар инсоннинг маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал этиш жараёнини, қаҳрамонларнинг қийин вазиятлардан чиқиб кетиши, қийинчиликларни енгиб ўтиши ҳолатлари ва уларнинг руҳиятини маҳорат билан ифодалаган асарлар сирасига киришини ўрганганлиги билан аҳамиятли.

Ишнинг хулосаси юқоридаги масалалар асосида чиқарилган.

Ишда айрим ғализ жумлалар, имловий ваа услубий хатолар учрайди. Хатолар тузатилса, ишни “аъло”га баҳолаш мумкин.

Такризчи:

**2-академик лицей Ўзбек тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси Ҳ.Хайитов**